

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

З.Пардаева	
Шеърӣ асарда метафоризация хусусиятлари (А.Ахматова ва М.Цветаева шеърӣати мисолида).....	82
З.Мамадалиева	
“Ҳайрат ул-аброр” достонида Хожа-қўнгул образи ва унинг такомилӣ.....	88
И.Рустамова	
Бадиий ижодда деталлар функционалиги ва динамиклиги.....	94
	ТИЛШУНОСЛИК
А.Бердиалиев	
Эга ва унинг умумлисоний хусусиятлари ҳақида.....	98
Т.Эназаров	
Шеваларни илмий ҳамда амалий тадқиқ этиш назарияси ва концепцияси.....	102
Ҳ.Шокирова	
Шахс дейксиси имкониятлари.....	108
М.Абдупаттоев, В.Абдурахмонов	
Микроматн композицияси.....	116
Ф.Шарипов, Т.Галиев	
Ўзбек тилшунослигида сўзшакл ҳақида.....	121
М.Ширинова	
Кинофильмлар номлари лингвистик аспект материали сифатида.....	126
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
Т.Эгамбердиева, М.Зиёева	
Ўзбекистон олий педагогик таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар мазмуни.....	130
Ҳ.Қодирова, М.Юнусалиева	
Тўғарак машғулотида мантиқий фикрлашни ривожлантириш ёрдамида ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаш.....	136
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
Д.Мухторова	
Ядросида Гауссинг гипергеометрик функцияси қатнашган интеграл тенгламаларни ечишнинг композицион усули ҳақида.....	141
К.Кодиров, Т.Тўхтасинов	
Лордания билан алгебрасидаги конвергенция топологияси.....	144
М.Имомова, Б.Абдуғаниев, А.Турдибоев	
Мотор ва сурков мойларининг физикавий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибини ускунавий услубларда аниқлаш.....	148
Р.Казаков	
Кимё ўқитиш самарадорлигини оширишда уй кимёвий тажрибаларнинг роли.....	152
М.Хакимов, А.Маруфжонов	
Ўзбекистонда анор етиштиришни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар.....	156
С.Исроилжонов, В.Каримов	
Озиқ-овқатлар таркибидаги ксенобиотикларнинг ҳамда захарли моддаларга одам организмидаги ҳимоявий омиллар таъсирини ўрганишга кириш асослари.....	159
А.Гадоев, В.Каримов, Г.Гадоева	
Мушуклар организмида <i>Sarcocystis tenella</i> railliet, 1886 саркоспоридийларнинг ривожланиши.....	162
М.Дадақўзиев, О.Эркабоев	
Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси фанини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибалар.....	165
Ф.Маматов	
Глобаллашув жараёнида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион омиллари.....	168

УДК: 81.362:811.112.1:812.512.133

ШАХС ДЕЙКСИСИ ИМКОНИАТЛАРИ
ВОЗМОЖНОСТИ ДЕЙКСИСА ЛИЧНОСТИ
PERSONAL DEIXIS OPPORTUNITIES

Ҳ.Шокирова¹

¹Ҳ.Шокирова

– Фарғона вилоят Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий маркази доценти.

Аннотация

Мақолада лисоний шахс масаласи, унинг нутқий имкониятлари ҳақида сўз юритилади. Дейксис категорияси прагмалингвистиканинг асосий тадқиқ манбаи сифатида эътироф этилади.

Аннотация

В статье речь идёт о проблеме носителя языка и его речевых возможностях. Категория дейксис признана основным источником исследований прагмалингвистики.

Annotation

This article discusses the issue of linguistic personality and its speech capabilities. The category of deixis is considered as the main experiment source of pragmalinguistics.

Таянч сўз ва иборалар: шахс, тил, нутқ, дейксис, адресат, адресант, прагматика, семантика, риторика.

Ключевые слова и выражения: личность, язык, речь, дейксис, адресат, адресант, прагматика, семантика, риторика.

Keywords and expressions: person, language, speech, deixis, addressee, addresser, pragmatics, semantics, rhetoric.

Борлиқ инсонни қанчалик ҳайратга солса, унинг ўрганиш ва изланишга бўлган эҳтиёжи ҳам шунчалик орта боради. Борлиқаро мавжуд бўлган инсоннинг ўз-ўзини ўрганиши эса борлиқ билан ўзининг алоқаси, муносабатларининг глобал аҳамиятга молик чексизлигидан далолат. Инсон онгли мавжудот ва ўзидаги имкониятларнинг барчасидан ҳали тўлиқ воқиф бўлмаган хилқатдир. Борлиқ ва одам, ҳаёт ва инсон, жамият ва шахс тушунчалари тўла-тўқис поёнига етмаган, улар ҳар бир фан асосидир, десак янглишмаймиз. Шунингдек, шахс тушунчаси, унинг ҳар бир ҳаракати, теварак-атроф билан алоқаси фаннинг ўрганиш манбаини ташкил этади.

Шахс — тилдан фойдаланувчи, мулоқот ўрнатувчи, нутқ муаллифи, дискурс адресати, адресантга таъсир кўрсатувчи жараён эгаси. Олима Ш.Усмонова лингвокультурология соҳасидаги изланишларида немис олими Й.Вейсгерберг томонидан лисоний шахс атамасини биринчи бора қўллаганлигини айтиб ўтади: “Лисоний шахс- объектив воқеликни ўз кўринишига мувофиқ тасвирлаш ва маълум мақсадга эришиш учун муайян тилнинг

тизимли воситаларидан фойдалангани ҳолда уларни матнларда акс эттириши нуқтаи назаридан тасвирлангани ёки бу тил соҳибидир. Лисоний шахс муайян билимлар ва тасаввурлар мажмуига эга бўлган нутқий фаолиятни намоён этувчи шахсдир”. Таърифлардан кўринадики, лисоний шахс деганда муайян тилда нутқий фаолият юритувчи шахс назарда тутилади [Қурбонова С.2018.104].

Прагматик изланишларнинг жуда кўпи дейксис тушунчаси билан боғлиқ. Кўп асрлардан буён мавжуд бўлиб, ўрганилиб келинаётган дейксис тушунчасини фанга олиб кирган олим К.Бругман ҳисобланади. Бругман ўз ишида машҳур немис психологи ҳам лингвисти К.Бюлернинг ишини давом эттирган. Яъни, 1934 йилда нашр қилинган “Тил назарияси” китобига асосланган ҳолда тадқиқ этган. Мазкур китоб дейксис тадқиқотларига қаратилган. Бюлер биринчи бўлиб дейксисдан ишлаб чиқарилган иккита кўринишни эксплицит тарзда кўрсатиб беради: анафор ва дейксис — вақт ва маконнинг ўз ўрнига дейктик марказига фикрий ўтиш кўриниши ҳисобланади.

Дейксис бугунги кунда маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан кенг тадқиқ этиб келинмоқда. Ушбу кўриниш ўз ичига коммуникатив жараёндаги контекстуал ёки жисмоний шахсларга мурожаат этиш вақтида, тушунарли ва изоҳлашга қулай маънони англатган нутқий белгиларнинг қўлланишини ўз ичига олади [Сребрянская Н.А. 2003: 259]. Ўзбек тилида нарса-буюм ва шахсий дейксис, имо-ишора орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, бундай ҳолатларда улар махсус дейксис воситаларни ишлатиши зарур бўлди [Аҳмедова М.Т. 2019: 39].

1999 йили кўрсатиш олмошлари орқали кенг қўламли дейксиснинг асосий омиллари Х.Дисселнинг тадқиқотларида кўрсатиб берилди. М.Хаспельматнинг ишида вақт ибораси, макон ибораси кўрсатиб ўтилган. Унда ўтган замонда рус тилида таққослаш мумкин бўлган ушбу диахрон жараён — “Вақт — бу, макон” универсал метафорасига асосланган [Аҳмедова М. 2019: 42-б].

Дейксис ҳодисасининг прагматик моҳиятини ва унинг мазмун ифодалаш имкониятининг бевосита мулоқот матни билан боғлиқ эканлигини С.Левинсон қуйидагича таърифлайди:

“Аслини олганда, дейксис тилда нутқий ҳаракат контексти ёки нутқий ҳодиса хусусиятларининг акс топиши ва грамматикаллашувига (grammaticalization) тааллуқлидир. У (дейксис), худди шунингдек, мулоқот матни таҳлили билан боғлиқдир. Шунга нисбатан this (“бу”) олмоши бирор бир реал мавжуд объектни атамайди; тўғривоғи, у аниқ бир контекстда сўз юритилаётган воқелик объектининг ўриндошидир”. [Левинсон 1984: 54].

Дейксис атамаси грекча “deixis” сўзидан олинган бўлиб, “ишора”, “кўрсатиш” деган маъноларни билдиради. Контекст қуршовининг кучи, айниқса, дейксис ҳодисаси талқинида яққол намоён бўлади.

“Тил тизимидаги қатор ҳодисаларни фақатгина уларнинг юзма-юз мулоқот шароитида шаклланиши инобатга олингандагина тавсифлаш мумкин. Бу, айниқса, дейксис ҳодисаси талқинида яққол кўзга ташланади” [Lyons J. 1975: 637-638].

“Тил тизими ва контекст ўртасидаги боғлиқликнинг лисоний структураларда акс

этишини яққол кўрсатувчи ягона ҳодиса — бу, дейксис ҳодисасидир” [Levinson 1984: 54].

Ўзбек тилшуносларидан Д.Лутфуллаева ва М.Қурбонова “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 2013-йил 6-сонида “Болалар нутқида хос дейктик бирликларнинг фонопрагматик талқини” сарлавҳаси остида мақола эълон қилдилар. Ушбу мақолада дейксис тил бирликларининг функционал хусусияти тўғрисида, бу бирликларнинг бола нутқида шаклланиши, ривожланиб бориши, ўзига хос тарзда қўлланилиши, катталарнинг таъсири остида болалар нутқида қўлланадиган айрим дейктик бирликларнинг фонетик ўзгаришга учраган ҳоллари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтадилар. Дейксис тил бирликларининг функционал хусусиятини акс эттирувчи барча тилларга хос универсал ҳодиса ҳисобланишини, унинг асосий моҳияти тилнинг вербал ва новербал воситалари ёрдамида воқелик ва унинг элементларига ишора қилиш эканлигини таъкидлайди.

О.Г.Бондаренконинг қайд этишича, дейксис тилда акс этувчи воқеликнинг бўлаги, яъни вазият компонентларига ишора қилувчи ҳодиса бўлиб, ишора компонентлари, асосан, коммуникантлар, улар мулоқот қилган вақт ва ўрин бўлгани сабабли дейксиснинг турлари ҳам персонал, локатив ва темпорал ҳисобланиши лозим. Дарҳақиқат, ҳар қандай нутқ жараёни мулоқот эгалари иштирокида муайян макон ва замонда амалга оширилади. Бу жиҳатдан барча тилларда персонал (шахс) дейксиси, локатив (макон) дейксиси ва темпорал (замон) дейксисининг фарқланиши асослидир. Дейксиснинг ажратилган бу турлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, барча тилларда махсус ифода воситалари билан фарқланади. Дейксис турлари ичида шахс дейксиси анча кенг қамровли бўлиб, нутқда турли бирликлар орқали намоён бўлади. Шахс дейксисини ифодаловчи дейктик бирликлар, айниқса, болалар нутқида ўзига хос шаклларда қўлланиш шаклига эга. Кузатишлар шунини кўрсатадики, болалар нутқида қўлланивчи шахс дейксисини ифодаловчи айрим дейктик бирликлар ишоравий вазифасидан ташқари, баъзан коннотатив маънони ҳосил қилиш, нутқ субъектининг воқеликка бўлган баъзи муносабатини ифода этиш каби

вазифаларни ҳам бажаради. Шу жиҳатдан болалар нутқидаги дейктик бирликлар таҳлилида нутқ субъектига хос ижтимоий, психологик хусусиятлар, хусусан, унинг ёш жиҳатига жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади. Маълумки, филогенез ва онтогенез даврида бола кундалик ҳаётда фаол қўлланадиган дейктик бирликларни мунтазам равишда ўрганиб боради. Бу эса болада лисоний ижтимоийлашув жараёнининг такомиллашиб боришига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, нутқий мулоқотнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларида эшитиш сезгиси орқали идрок этилган дейктик бирликлардан фойдаланиш жараёнида ўзига хос нутқий вазиятлар юзага келиши мумкин. Бу жараён билан боғлиқ лингвопрагматик хусусиятларни тадқиқ этиш болаларда когнитив фаолиятнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш учун ниҳоятда долзарбдир. Чунки болалар нутқида хос айрим психоллингвистик ва социопрагматик хусусиятлар улар томонидан дейктик бирликларнинг қай йўсинда ифода этилишига боғлиқ бўлади. Аксарият ҳолларда болалар нутқида қўлланадиган дейктик бирликлар когнитив имкониятлар билан боғлиқ тарзда шаклланса-да, катталар талқинида прагмасемантик хусусият касб этиши мумкин. Бу ҳолат болалар томонидан, айниқса, шахс дейкисининг ифодаланиш жараёнида аниқ кўзга ташланади. Жаҳон тилшунослигида болалар нутқида қўлланувчи дейктик бирликларнинг прагматик жиҳатлари ўрганилган. Мазкур йўналишга доир адабиётларда болалар томонидан дейктик бирликларни ўзлаштириш босқичлари белгиланиб, улар нутқида ишора бирликларининг ифодаланиши билан боғлиқ муаммоли масалалар изчил таҳлил қилинган. Бу борадаги ёндашувлар, албатта, ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари нуқтаи назаридан фарқланиши табиий. Ўзбек тилшунослигида ҳам кейинги йилларда дейкис ҳодисасини ўрганишга эътибор кучайди. Бу муаммо юзасидан олиб борилган тадқиқот ишларида дейктик бирликларнинг прагматик хусусиятлари муайян даражада таҳлил этилди. Бироқ ҳозирги кунда ўзбек болалар нутқида хос дейктик бирликларнинг прагматик хусусиятлари муаммоси ҳам махсус

текширишни талаб этади. Маълумки, болалар нутқида кузатиладиган айрим ишора бирликлари ўзига хослиги билан катталар нутқида қўлланувчи дейктик бирликлардан ажралиб туради. Бу ҳолат улар томонидан, айниқса, шахс дейкисининг ифодаланиши жараёнида яққол кўзга ташланади.

Айтиш мумкинки, шахс дейкисининг ифодаланиш хусусиятлари барча тилларда ҳам бирдек муҳим аҳамият касб этмоқда. Шахс дейкисини ифодаловчи бирликлар, уларнинг узатилиш усуллари, адресат орқали акс этиши ҳамда адресантнинг қандай қабул қилиши каби масалалар нутқ дейкиси олдида талай вазифаларни қўймоқда. Чунончи, булардан бири дейкисларнинг нутқ таркибида ифодаланиш масаласини мисол тариқасида кўриб ўтиш жоиздир:

дейкислар тил бирликларининг маъно ёки вазифасини кўрсатишига қараб лексик ёки грамматик бўлиши мумкин. Улар қуйидагиларни ифодалаб келади:

а) нутқ фаолиятининг иштирокчиларига ишора сифатида. Масалан: мен, сен, менинг, сенинг;

б) айтилаётган ҳодисанинг нутқ жараёнига нисбатан узоқ- яқинлигига ишора сифатида. Бу гуруҳда дейкислар, асосан, кўрсатиш олмошлари ва равишлари билан ифодаланади. Масалан: у, бу, ўша, ана у;

в) ҳодиса содир бўлаётган замон ва маконга нисбатан ишора сифатида. Масалан: бугун, кеча, у ерда, шу ерда [Абдурахмонова Р.2018.10].

Нутқий актни шахс бошқаради. Кўпинча адресатга бутун эътибор қаратилиб, адресант масаласи иккинчи даражага кўчади. Тўғри, бу табиий ҳолат. Деярли гап адресантнинг бераётган, узатаётган дискурси устида боради. Аммо "...борлиқнинг икки шахс томонидан бир хилда идрок этилиши қийин масала-ку! Инсонлар туғилиб ўсган, шахс сифатида камол топган ижтимоий-маданий муҳитлар турли хил, улар ана шу муҳитдаги шароитларга мос ҳолда турлича тарбия кўрадилар, улфаядилар (ҳатто эгизаклар ҳам интеллектуал жиҳатдан фарқ қилиши мумкин). Шундай экан, турли инсонларнинг воқелик ҳақидаги билими субъектив жиҳатдан маълум даражада фарқ қилиши мумкин, лекин шунинг билан бирга ягона муҳитда яшайдиган шахслар шу муҳит

учун умумий бўлган тамойиллар ва қонун-қоидаларга амал қилишини ҳам унутмаслик лозим. Худди шу нарса мулоқотдаги шахсларнинг воқелик идрокида ўзига хос “шахслараро келишувига” олиб келади. Коммуникация воқеликнинг субъектив тасавурида қисман муқобиллик ва қисман номуқобилликни тақозо этади”, дея ёзади олим Ш.Сафаров [Сафаров Ш. 2008:66-б].

Натижада, мулоқот риторикаси икки турга ажратилади:

1. Шахслараро муносабат риторикаси: ҳурмат, ҳамкорлик ва киноя тамойиллари асосида амалга ошади.

2. Матн риторикаси: ахборотни идрок этиш ва англаш тамойили, тежамкорлик тамойили, аниқлик ёки яққоллик тамойили, маънодорлик ёки ифодадорлик тамойили [Сафаров Ш.2008:142].

Юқоридагиларни эътироф этган ҳолда, жумладан, қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

1. –Сен энди ғам емагин, чунки сен белгиларини айтиб берган ер жаҳондаги энг гўзал жой бўлиб, мен уни кўрганман [А.Навоий.Хамса.2016]

Ушбу мисолда ҳамкорлик, таскин, ҳамдардлик муносабатлари ифодаланиб, III-шахс олмоши шахс дейксисига ишора қилади. Шунингдек, замон дейксиси воқеа-ҳодисанинг айни вақтда бажарилаётганидан хабар бериб, макон дейксисининг амалга ошишини ер сўзи ва жой сўзи юзага келтиради.

2. –Мени биласан-а, “оқмаса ҳам сой яхши, боқмаса ҳам бой яхши”, дейдиган одамман! [Тоҳир Малик. 2001.177] гапида I-шахс олмоши гапни таъкидлашга, ўзини кўрсатишга хизмат қилган. I шахс дейксиси доимо ўзини намоён қилиш ифодасидир. Бу ерда ҳам шахс ўзининг айтмоқчи бўлган маълумотини, маълумотига бўлган муносабатини муайян қисми имплицит тарзда ифодаланган. Гап мазмунидан ўдағайлаш, иддао семалари, исботлаш, таъкид, ирония тағмаънолари англашилади. Ушбу гапдан яна “мени биласан-а” маъно-мазмунидан ташқари “мени билмасмидинг”, “илгари ҳам кўргансан”, “мени энди кўряпсанми?!”, “мени ҳаммадан кўра сен биласан” каби прагматик пресупозицияларга эга. Демак, “мен” махсус семантик марказ сифатида нутқ муаллифини белгилайди ва хусусий

муносабатнинг юзага чиқиши учун асос бўлади.

3. –Бизнинг балойимиз етганда ҳам тавба тазарру қилмадиларми?! Лекин уларнинг диллари қотиб қолган [Ж.Румий.2013.160].

Бу жумлада III-шахс, яъни биз, улар сўзлари гап мазмуний майдонида биринчи ўринга чиқиб, урғу билан таъкидланиши, киноя, писанда семаларининг адресантга кучли таъсири ифодаланган. III шахс гарчи мулоқотнинг нофаол иштирокчиси сифатида белгиланган бўлса-да, у мулоқот актида бевосита қатнашиб, унга кучли таъсир кўрсата олади. Бу ерда ҳам III- шахс асосий майдонда туриб, шахс дейксисини ифодалайди, “биз” сўзи сўзловчи ва “улар” бошқаларни, яъни мулоқот матни қаратилаётган шахсларни назарда тутаяди.

Шахс нутқни ҳосил қилишда фақат унинг мавзуи билан қизиқиб қолмасдан нутқ жараёнида ўз хис-туйғуларини ҳам бошқаради. Иккиламчи дейксис ҳодисасини ўрганиш узоқ тарихга эга. Хусусан, улар В. Н. Волошин томонидан мукамал тасвирланган. Маълумки, дейктик қўлланишга лойиқ воситаларнинг кўпчилиги, анафорик тарзда ҳам қўлланиши мумкин. Анафора – сўзловчи ва тингловчининг хотирасида фаоллашган референтларни эслаш (ишлатиш)дир. III шахс олмошларини анафорик ишлатишда сўзловчи кўпроқ гапирилаётган референт аввалги иборада ишлатилганлигига таянади. Дейктик элементларни иккиламчи анафорик қўллаш, инсон хотирасини кўриниб турган сўзлашув жараёнини жисмоний муҳитга ўхшатиш метафорасига асосланган. Анафора тушунчаси, биринчи навбатда, отли гуруҳларни қўллаш билан боғлиқ бўлса ҳам, аслида бундай кўчириш жараёни бошқа тил бирликлари турлари билан ҳам содир бўлади. Масалан, равишлар. Таққослаб кўрамиз: “Вася, мен сезяпман, ҳазина қаердадир шу ерда жойлашган(сўзловчининг яқинида)”. “Ёш йигитлар сезишардики, ҳазина шу яқин атрофда жойлашган (фаоллашган референт ёнида, яъни, “ёш йигитлар”)”. Ж.Лаёнз томонидан таклиф этилган дейктик ва анафорик механизмларни таққослаш ҳам маълум. Фақатгина ўта махсуслашган дейктик элементлар “мен”, “сен”, “шу ерда”, “ҳозир” анафорик тарзда ишлатилмайди. Е.В.Падучева I ва II шахс олмошларининг бу хусусиятини “дейктик

элементларнинг мажбурий шартин” дея таърифлайди (яъни, уларнинг ўрнида тўлиқ отлашган гуруҳлар бўла олмайди). Шунга қарамай, I, II шахс кўплик олмошлари анафорик жиҳатларга эга бўлиши мумкин. Бу, масалан, “биз” олмошига тегишли. Бу олмош сўзловчи ва яна кимнидир, учинчи шахсни ифодалайди. “Маша розилик берди, биз яқинда турмуш қурамиз” каби иборада “биз” олмоши бир вақтда ҳам дейктик, ҳам анафорик хусусиятга эга. Дейктик воситалар қаторига кирувчи сўзларнинг лексик маъносида у ёки бу турдаги референтга ишора мавжудлигини исботлашга ҳаракат қилган Э.В.Падучеванинг таърифича, “олмошлар – маъносида нутқий ҳаракатга ҳавола ёки нутқий тузилманинг борлиқ билан муносабатига, турига ишора мавжуд бўлган сўзлардир”. Олмошларнинг ва бошқа турдош турдаги дейктик белгиларнинг сигнификатив мазмундан ҳоли эканлигини, уларнинг референти турғун бўлмасдан, балки нутқ вазиятига нисбатан ўзгариб туришини Эмил Бенвенист алоҳида қайд этган. Унингча, “Мен” олмоши маъносини фақатгина маълум бир нутқий ҳаракат ижросига (посутион) нисбатан аниқлаш мумкин ва бу нутқий ҳаракат доимо ягона, алоҳида бўлиб қолади, такрорланмайди. Ҳар бир нутқий ҳаракат алоҳида объект (воқелиқдаги ҳодиса, предмет) билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, “мен” олмошининг референти ҳам ўзгариб туради. Қисқаси, “мен” шакли лисоний нуқтаи назардан фақатгина бажарилаётган, ижро этилаётган нутқий ҳаракатда мавжуддир. Фаранг тилшуноси шахс, замон, макон, ишора қилинаётган объект кўрсаткичларининг нутқ кечаётган вақт билан муносабатини мен: бу ерда – у ерда; ҳозир – ўшанда; бугун – ўша кун – кеча; арафада – эртага – бир кундан сўнг каби тушунчалар қарама-қаршилигида юзага келадиган ҳодиса деб ҳисоблайди. Аммо ушбу турдаги ибораларнинг референти кўпинча ўта юзаки – ўз-ўзидан маълум бўлган ҳодиса сифатида баҳолаб келинмоқда. Ушбу ибораларнинг маъно хусусиятлари тўғридан-тўғри “воқелик” ёки предмет ҳодисаларнинг объекти замон ва маконда жой олиши билан боғлиқ эмас. Аксинча, тил тизими ушбу ибора гуруҳларига шахслараро мулоқот жараёнида юзага келадиган талаб – вазифаларни бажаришни “бўйради”. “Лисон воқелик билан референт боғлиқлигидан

маҳрум бўлган, доимо янгича қўлланишга ҳозир бўлган “маъносиз” белгилар яратилиши билан бу масалани ҳам ҳал қилади ва бу белгилар сўзловчи томонидан кечаётган нутқ фаолиятига жалб қилиниши заҳотиёқ “тўлиқ” белгиларга айланадилар”. Дейктик иборалар маъносининг нутқ субъекти – сўзловчининг коммуникатив мақсади билан боғлиқ ҳолда ўзгариб боришини ўз вақтида файласуфлар ҳам қайд этган эдилар. Бертран Рассел “мен”, “бу”, “шу ерда”, “ҳозир” сўзларини асосий эгоцентрик сўзлар сифатида таърифлаб, уларнинг маъноси замон ва макон ўзгариши билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туришини эътироф қилган: “ҳозир” сўзи ҳар бир қўлланишда вақт кечиши давомийлигининг маълум бир даражасини англатади; “шу ерда” сўзи, “мен”нинг ҳар бир ҳаракати натижасида жой оладиган алоҳида ўрнини белгилайди; “мен” уни талаффуз қилаётган ҳар қандай шахсни билдиради”. Ўз устозига эргашган Л.Витгенштейннинг таърифи ҳам шунга мос: “Мен” - бирор бир шахснинг номланиши эмас, “шу ерда” - маълум бир жойни атамайди, “бу” - ном эмас. Шунинг билан бир қаторда, айрим тадқиқотчилар дейкисининг эгоцентрик хусусиятини тўлиғича эътироф этишга журъат этмайдилар. В.Шмидт, Г.Раух, И.А.Стернин ва бошқалар дейктик майдон марказини “сен/сиз”, яъни адресат эгаллаши мумкинлигини айтишади. Бинобарин, “Бир қадам олдинга!”, “Ўннга бурилиш!” каби буйруқ нутқий актлари бажарилаётган вақтларда асосий эътибор буйруқни қабул қилувчига йўналтирилади. Б.Рассел ишларида эса барча турдаги эгоцентрик сўзларнинг (egocentric words) кўрсатиш мазмунидаги маъносини тўғри “бу, шу” олмоши воситасида тавсифлаш мумкин, деган фикр мавжуд. Балки инглиз файласуфининг фикри мантиқан тўғридир, чунки барча турдаги дейктик иборалар кўрсатиш, ишора маъносини ифодалайдилар ҳамда кўрсатиш майдонининг марказида сўзлашувчи шахс туриши сабабли ишоранинг бошланғич нуқтаси ҳам унинг “кўз ўнги”да турган воқелик парчасидир. Ушбу воқеликнинг коммуникатив ифодасида “бу” кўрсаткичи асосий ўринни эгаллайди. Аммо мантиқий мазмуннинг лисоний маънога мувофиқ келиши ҳар доим ҳам кузатилавермайди.

“Маъно” тушунчасини “объектнинг шахс онгида акс топган умумлашган бенуқсон тасаввурдаги модели”, деб таърифлаган психолог В.Ф.Петренко бу моделнинг шакл топишини оддий фаолият эмаслигини қайд этади: “онг белгилар воситасида воқеликни оддийгина такрорламасдан, балки ундаги субъект учун аҳамиятли бўлган хусусият ва белгиларни ажратиб, умумлашган модел бурилмасини яратади”. Демак, лисоний маъно шаклланиши – мураккаб жараён. Маъно шаклланишида воқеликдаги объектнинг муҳим хусусият – белгиларининг акс топиши оддий жараён эмас, балки бу хусусиятлар инсон ижтимоий фаолияти, тажрибаси нуқтаи назаридан муҳим бўлмоғи даркор. Янада аниқроғи, бу муҳимлик, аҳамиятлиликнинг ўзи ижтимоий тажриба асосида юзага келади.

Лисоний белгилар маъноси шаклланишида инсон фаолияти, унинг ижтимоий тажрибаси натижалари акс топиши, албатта, предмет мазмунидаги ва бошқа тўлиқ маъноли сўзлар мазмунида равшанроқ кўринади. Нутқ жараёнидаги ҳис-туйғулар ва ички кечинмаси шахснинг хусусий муносабати сифатида шаклланади, у матн таркибидаги айрим элементларда ўз ифодасини топади.

Хусусий эмоционал муносабат масаласи ҳамма услуб матнларига ҳам тегишлими ёки у фақат бадиий услуб матнларидагина мавжудми, деган муаммо тўғрисида турлича қарашлар мавжуд. Айрим ишларда хусусий эмоционал муносабат илмий матн учун ёт деб, “...сўзловчининг субъектив эмоционал муносабати воқеликни образли акс эттирувчи бадиий услубга, қисман эса публицистик ва сўзлашув услубига хосдир”³, деган тезис илгари сурилади. Бу олимларнинг фикрича, илмий услуб матни асосан бетараф (нейтрал) сўзлардан иборатдир, шунинг учун ҳам хусусий эмоционал муносабат илмий матн учун хос эмас, деб таъкидланади. [Ҳакимов М.2013.150]

Матн риторикаси адресат ва адресантнинг ўзаро нутқий фаолияти асосида юзага келиб, нутқий таъсир акти билан белгиланади. Матн — лисоний бирлик. Матннинг ҳам икки жиҳати, икки ўрганилиш

аспекти, яъни мазмун ва шакл томони мавжуд. Буни тўла ҳолда матн лингвистикаси ўрганади.

Риторика юнонча “нотиқлик” маъносини англатиб, нотиқлик санъати бўлиб, кейинчалик тизимли фан шаклини олган. Матн риторикасида матнни тузиш, белгилаш, жойлаштириш, сўз танлаш, сўз билан ифодалаш, услуб танлаш, юқори, ўрта, пастки услуб кўтаринкилиги, сўзларни бириктириш, услубий фигуралар ҳосил қилиш асосий вазифа ҳисобланади. Масалан:

Умархон эшон қалт-қалт этади.
Умархон эшон дудуқлана-дудуқлана айтади:

- Тақсир...- дейди, - тақсир, мен бир кам саксонда бўлдим...

- Ақл ёшда эмас, ақл бошда, эшон!- дейди генерал Скобелев.- Мен ўттиз ёшимда Хивани тиз чўқтирдим! Мана, ўттиз икки ёшимда Қўқонни тариқдай тирқиратдим! Саксонни уриб қўйиб, сен нимани қотирдинг?

- Офарин, тақсир, офарин, ўттизида эр атанган, қирқида шер атанар, дейдилар.
Тақсир.... [Т.Мурод.2018:28].

Мазкур микроматнда сўз муаллифлари позицияси, мақсади, мантиқ урғуси, оҳанги иллокутив актни ёритади. Босқинчи генерал Скобелев ва саксон ёшли Умархон эшон ўртасидаги дискурснинг перлокутив акти бўйсундирувчи ва бўйсуннишга мажбур этилувчи шахсларнинг келиб чиқиши, маданияти, савияси, одамийлиги, хокисорлиги, мўминлиги ёки худосизлиги, адолатсизлиги, маънавий қашшоқлиги, қўпол ва аслида маданиятсизлиги, қадриятсизлиги каби маъноларни ифодалашида кўринади. Матндан умуман бир-бирига қарама-қарши шахсларнинг тўқнашуви, юзлашуви юзага келиб, унинг оқибатида шахс интерпретацияси очилади. Биргина “тақсир” сўзининг аталишида ҳам турлича маъно семалари мавжуд:

а) ҳурмат, ишонч, юксак мартабага кўтариш;

б) бунинг айнан тескариси бўлган пичинг, кучли ирония — ирғаниш, ижирғаниш, энса қотиши, қўпорувчига бўлган нафратнинг ижобий сўз қобиғига ўраш.

Бундан ташқари “бир кам саксонда бўлдим....” дейиш иддао қилиш эмас, халқимизда ўзидан катта инсон — ёшуллинг сўзини ерда қолдирмаслик, уни ҳурмат билан тинглаш, кучли ҳурмат-

³ Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 178—181-бетлар.

эҳтиром семаларига ишора этади.

Шунингдек, “Офарин, тақсир, офарин” жумласи пичинг, ирониянинг энг юқори чўққисида ифодаланади. Чунки “- Мен ўттиз ёшимда Хивани тиз чўқтирдим! Мана, ўттиз икки ёшимда Қўқонни тариқдай тирқиратдим!” гапида ўз оғзи билан инсонийликнинг энг тубан, чиркин намоишини мақтаниб сўзлаши муаллифнинг гердайиш, ҳукмдорлик, манманлик семаларининг баёнидир. Умар эшоннинг қисқа мулоқот дискурсида ҳам иллокуциянинг халқимизга хос чечанлиги, маталга бойлиги, унинг ички, яширин маъносининг ифодаси шахс дейкисининг “Мен” и ва “Саксонни уриб қўйиб, сен нимани қотирдинг?” гапидаги “Сен” сўзининг юқоридан қараш, менсимаслик каби беҳурматликни акс эттирган муносабатида шаклланган.

Мазкур матн риторикасидан аниқлик, яққоллик, ифодадорлик, тил яширин ифодасининг ўзига хос қўлланиши оҳанг ёрдамида белгиланган.

Шахс дейкиси нутқ актининг иштирокчиларига ишора қилади ва ҳаракатни бошқаради. Шахснинг ижтимоий статусига нисбатан унинг жамиятда ва жамоада тутган ўрни белгиланади. Ижтимоий ўринни фарқловчи кўрсаткичлар эса шахснинг касб-хунари, даромад манбаи, бойлиги, маълумоти кабилардир. Ана шу кўрсаткичларнинг нотекислиги жамоа тузилишидаги босқичлилики таъминловчи шахслар (ёки гуруҳлар) ўртасидаги ижтимоий масофани шакллантиради. Ижтимоий масофанинг у ёки бу сарҳадидаги шахсларнинг табақаланиши жамиятдаги имтиёзлар тақсимотининг нотекислигидир (ҳукмдор-хизматкор, бошлиқ — хизматчи, зиёли — саводсиз ва ҳоказо).

Юқорида айтилганидек, ижтимоий статус шахснинг жамиятда тутган ижтимоий ўрни билан белгиланса, ижтимоий ролнинг мундарижаси эса унга ушбу жамиятда ажратилган талаблар мажмуасидан иборатдир. Поляк социологи Ян Шемпанскийнинг таърифича [1969: 71], роль “нисбатан доимий ва ўзаро боғлиқ ҳаракатлар тизимидир ва бу ҳаракатлар гуруҳ аъзолари учун хос бўлган у ёки бу тарздаги намуналар асосида бажарилган бошқалар ҳаракатларига жавобдир”. Дискурсида ахборот узатиш мақсади мос

келадиган мазмун яратилади. Бу мазмун доирасида коммуникантлар муносабатини, уларнинг ижтимоий мавқеини, жамиятда ҳаракатда бўлган ахлоқий-этик нормаларни акс эттирувчи ижтимоий-маданий ахборот жамланади. Ушбу турдаги ахборотларнинг мавжудлиги ва мазмуннинг коммуникатив мақсадга мослиги мулоқотнинг самарасини, дискурсининг ахборот воситаси бўла олишини таъминлайди. Дискурс ва матн ҳодисаларининг ҳар иккаласи ҳам мулоқот иштирокчиларининг онгли фаолияти туташадиган макондир. Онгли фаолият эса доимо маънавий-маданий асосга эга бўлади [Сафаров Ш. Ўша манба].

Гапнинг, грамматик шаклнинг эгаси шахс экан, у тил сатҳида турлича талқин этилади. Систем-структур тилшуносликнинг гап тадқиқида — эгали ва шахсиз гапларда ёки кесимлик категориясида шахс масаласи тамомила бошқача талқинга эга.

Кесимлик категориясининг шахс актанти ва унинг нутқий воқеланиш тадқиқи шуни кўрсатадики, шахс актанти ва гапнинг эгаси ўзаро мутаносиб, аммо айни бир нарса эмас. Бунда шахс эгага тенг бўлиши ёки тенг бўлмаслиги ва нолга тенг бўлиши ҳам мумкин. Кесимлик категориясидаги шахс актанти субъект, агенс, семантик шахс тушунчаларидан фарқланувчи алоҳида лисоний моҳиятдир. Шахс актантининг нутқий воқеланиши эгали ва эгасиз гапларда алоҳида-алоҳида кўринишга эга. Жумладан, эгали гапларда шахс актанти эгага тенг, эгасиз гапларда шахс актанти мавжуд эмас, демак, нолга тенг. Шу сабаб, асосий вазифа шахс масаласига тил фанининг қайси нуқтаи назардан қаралиши ва тадқиқига боғлиқ.

Демак, тил тизимида дейкисининг аҳамияти беқиёсдир. Уни мукамал ўрганиш тилдаги аутентик илмий матнни таҳлил қилишда, матндаги дейкис функцияни амалга оширишга ёрдам берувчи феъллар мазмунини очиб беради ва бу эса илмий коммуникацияда дейктик жиҳатдан ўзига хослиги ҳақида тушунчалар кўрсатади. Бу ҳодиса маъноси шахсга ёки контекст таянган, тушунадиган ва таҳлил қилиниши мумкин бўлган коммуникатив ҳаракатни мувофиқлаштиради [Аҳмедова М. 2019.42].

Дейкис категориясига прагмалингвистиканинг асосий тадқиқ манбаи, деб қарайдилар. Унинг ўрганиш объекти эса шахс дейкисидир. Хуллас,

ТИЛШУНОСЛИК

бундан келиб чиқадики, шахс дейксисининг кутаётган масалалардандир, деб айта прагмалингвистикадаги имкониятлари ҳали оламиниз. тўла-тўқис ёритилмаган ва ўз тадқиқини

Адабиётлар:

1. Абдурахмонова Р.К. Турли тизимдаги тилларда дейктик бирликларнинг текст ҳосил қилиш функциялари. дисс. автореф. – Фарғона, 2018.
2. Аҳмедова М.Т. Тил тизимида дейксис коммуникатив ҳаракатни мувофиқлаштирувчи омил сифатида. Сўз санъати. Халқаро журнали. -2019. - №6.
3. Вахтель Н.М. Основы прагмалингвистики. – Воронеж.2008.
4. Левинсон С.С. Прагматисс. – Самбридге: Самбридге Университй Пресс, 1984.
5. Lens J. Deihis as tje resources of reference // Formal semantis of natural language: Paper from a Sollowium sponsored by Kins Sollege Research Center, Sambridge. –Cambridge University Press, 1975.
6. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. 2008.
7. Степанова Ю.С. Семиотика. – М.,1983.
8. Сребрянская Н.А. Дейксис и его проекции в художественном тексте. – Воронеж, 2005.
9. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Фарғона, 2013.
10. Қурбонова С. Замонавий тилшуносликнинг баъзи масалаларига доир. // Илмий ахборот.ФДУ.2018.№1.
11. Ўзбек тили лексикологияси, –Т., 1981, 1/8.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).